
Ўқувчилар касб-ҳунар ўрганмоқда

Шу йилнинг 20 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда мамлакатимиз таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари кенг муҳокама қилинган эди.

Ёшларни касб ўрганишга қизиқтириш мақсадида мутасаддилар олдида умумий ўрта таълим мактабларида касб-ҳунар устахоналари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Бу борада Ўзбекистон туманидаги умумтаълим мактабларида ҳам қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туманнинг Янги Яйпан мавзесида жойлашган 69-умумтаълим мактабининг тегишли ўқув хоналари махсус жиҳозланиб, ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ерда нафақат юқори синф ўқувчилари, балки 7, 8 ва 9-синф ўқувчилари ҳам дарс машғулотларидан бўш вақтларида турли касблар сир асрорларини [ўрганмоқдалар](#).

2023-03-10 19:40:06